ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 132 (10.437) / 2005 ЙИЛ 8 ИЮЛЬ

МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ 14 O'ZBEKISTON

## МАДҲИНГНИ КУЙЛАЙМАН, ВАТАНИМ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мустақиллик куни арафасида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловини ўтказиш мамлакатимизда яхши анъанага айланган. Ўн йилдирки, бу танлов янги истеъдод соҳибларини кашф этиш, ёшларда ўз Ватанига муҳаббат ва садоқат ҳиссини тарбиялашда катта аҳамият касб этмоқда.**

Ўзбек Миллий академик драма театрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бадиий жамоаларининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танловнинг очилиш маросимида ушбу тадбир «Ўзбекистон — менинг Ватаним» ғоясини очиб берадиган, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнатини тараннум этувчи ва одамларни жонажон юртимиз ҳамда унинг мустақиллигини кўз қорачиғидек асрашга чорловчи юксак бадиий мусиқали асарлар байрами сифатида ўтказиб келинаётгани таъкидланди.

Бир неча турдан иборат бўлган бу галги кўрик-танловда маҳоратли хонандалар билан бир қаторда ҳаваскор артистлар ҳам иштирок этмоқда. Унинг биринчи босқичи маҳаллалар, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари ўртасида, кейинчалик эса туманлар, шаҳар ва вилоятлар миқёсида ўтказилаётир. Бундан ташқари танлов турли вазирликлар, қўмиталар, муассасалар ва идоралар тизимида бўлиб ўтмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бадиий жамоалари кўрик-танловининг ушбу финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ўнлаб қатнашчилар иштирок этди.

Танлов якунларига кўра, Самарқанд шаҳридаги 8-маданият уйи хонандаси Раъно Авазова «Соғлом авлодим» қўшиғи учун биринчи ўринни эгаллади. Қўшиқ шеърини Узоқбой Мислибоев ёзган, мусиқасини Алишер Жобиров басталаган. Ғолиб «Ўзбекистон қўшиқ байрами» республика кўрик-танловининг якуний босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Бозор талабини ўрганиш асосида маҳсулот турларини кўпайтириш «Шафақ-текстиль» қўшма корхонаси тадбиркорлари муваффақиятларини таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

**СУРАТЛАРДА: корхонанинг тикув цехи; ютуқлар салмоғида моҳир бичиқчи Манзура Икромованинг муносиб ҳиссаси бор.**





**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МАТБУОТ УЧУН АХБОРОТИ

*Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Остона шаҳрида қабул қилинган Декларациясида Афғонистон бўйича антитеррор коалициянинг тегишли иштирокчилари ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳудудидаги ерусти инфратузилмаси объектларидан вақтинча фойдаланиш ва ўз ҳарбий контингентларини сақлаб туришнинг якуний муддатларини аниқлаштириши зарурлиги қайд этилган. Бу масала оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинаётгани, айрим сиёсатчи ва таҳлилчиларнинг мазкур мавзуда баёнот ва мурожаатлар билан чиқаётгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагиларни баён этади:*

**Биринчидан.** 2001 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан АҚШ Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ва бу ердаги ҳарбий инфратузилмадан фойдаланиш учун рухсат бериш тўғрисида Битим имзоланган эди. Буни биринчи галда Ўзбекистон томонининг Афғонистон бўйича антитеррор коалициянинг фаол иштирокчиси сифатида, суверен Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлигига, хавфсизлиги ва барқарорлигига толиблар ҳамда халқаро терроризм кучлари томонидан бўлаётган бевосита таҳдидни бартараф этиш ишига ўз ҳиссасини қўшишга бўлган интилиши тақозо этган эди.

АҚШга «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш учун рухсат берилишидан асосий мақсад Афғонистоннинг мамлакатимизга яқин ҳудудларида жанговар операциялар ўтказиш чоғида қидирув-қутқарув тадбирларини амалга ошириш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун имконият яратишдан иборат эди.

**Иккинчидан.** «Хонобод» аэродроми ҳудудининг АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига фойдаланиш учун берилиши ва Битим имзоланиши чоғида ҳам, кейинчалик қуролли кучлар контингентининг «Хонобод»да туриш муддатлари муҳокама этилганда ҳам доимо бу масалалар Афғонистон шимолида ҳарбий операциялар ўтказиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқилган ва ҳал этилган.

Ўзбекистон томони АҚШ қуролли кучлари контингентининг келгусида Ўзбекистон ҳудудида бўлишининг бошқа вариантларини кўриб чиқмаган.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон томонининг «Хонобод» аэродромини қўриқлаш, зарур инфратузилма барпо этиш ва ундан фойдаланиш борасидаги қўшимча харажатларини қоплаш, экологияга етказилган зарар ва аҳолига туғилган ноқулайликлар туфайли компенсация учун АҚШ ҳеч қандай тўловларни амалга оширмаган.

Шунингдек, «Хонобод»дан фойдаланиш бошланган кезлардан охирги пайтгача АҚШ ҳаво кемаларининг аэродром ҳудудида учиб-қўнишини амалга ошириш бўйича ҳам тўловлар бажарилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги АҚШ қуролли кучлари контингентининг «Хонобод» аэродромида келгусида туриши масаласини муҳокама этиш чоғида мана шу принципиал мулоҳазалар асос қилиб олиниши керак, деб ҳисоблайди.

## ИЗЛАРНИ ЙЎҚОТИШГА УРИНИШ

**БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги бошқармаси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор ташкилотларнинг Лутфулло Шамсутдиновни Ўзбекистонга топширмаслик тўғрисидаги талаби асоссиздир.**

**ТОШКЕНТ. (6 июль, РИА «Новости», Абу Али НИЁЗМАТОВ).**

БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги бошқармаси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор ташкилотларнинг Олмаота шаҳрида ҳибсга олинган Лутфулло Шамсутдиновни Ўзбекистонга топширмаслик тўғрисидаги талаби асоссиздир. Бу ҳақда чоршанба куни Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматидан РИА «Новости» агентлигига маълум қилинди.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматидан (МХХ) маълум қилишларича, «4 июль куни Олмаотада қўлга олинган Ўзбекистон фуқароси Лутфулло Шамсутдиновга нисбатан Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг тергов бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Ўта оғир оқибатларга олиб келган террорчилик» ва «Аҳоли орасида саросима уйғотиш мақсадида ахборот тарқатиш» моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилган».

МХХ жамоатчилик билан алоқалар бюроси раҳбари Олимжон Тўрақуловнинг сўзларига кўра, «Шамсутдинов республика бўйича қидирувда бўлиб, Саиджаҳон Зайнобитдинов деган бошқа бир «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» билан битта жиноий иш бўйича айбланмоқда».

Шунингдек, мазкур бюро раҳбарининг таъкидлашича, Шамсутдинов ўз оила аъзолари билан 27 май куни Қозоғистонга учиб кетди, деган ахборот ҳақиқатга тўғри келмайди. «Шамсутдинов ва унинг оила аъзолари «Тошкент» аэропортининг чегара назоратидан ўтганлар рўйхатида қайд этилмаган», - деди О.Тўрақулов.

«Бундан ташқари тергов органларида Шамсутдинов ва Зайнобитдинов Андижон шаҳрида фожиали воқеалар содир этилган кунлари олдиндан олинган буюртма бўйича ҳаракат қилганлиги ҳақида далиллар бор», — деди бюро раҳбари.

О.Тўрақуловнинг маълум қилишича, «Шамсутдинов ўз «буюртмачиларига» Андижонда рўй бераётган воқеалар тўғрисида хабардор қилиб туриш, шунингдек, воқеа жойидан олдиндан бичиб-тўқилган ёлғон ахборотларни тарқатиш учун керак бўлган».

«Ўзбекистон махсус хизматлари Шамсутдинов оиласи билан Тошкентга ва бу ердан дипломатик номерли автомобилда Қозоғистонга яширинча, ноқонуний олиб чиқиб кетилиши қандай ташкил этилгани тўғрисида инкор қилиб бўлмайдиган далилларга эга», — деб қўшимча қилди МХХ бюроси раҳбари.

«Биз қатор оммавий ахборот воситаларида ушбу факт бўйича кўтарилаётган шов-шувларни изларни йўқотишга уриниш, деб ҳисоблаймиз», — дея таъкидлади О.Тўрақулов.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Самарқанд ва Навоий вилояти ҳокимликларида мамлакатимиз Президентининг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришга йўналтирилган Қарор ва Фармонлари ижросига бағишланган давра суҳбати ва семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

**• Нукусда Европа Иттифоқининг «ЕвропаЭйд» комиссияси билан ҳамкорликда «Парламент ислоҳотлари ва фуқаролик жамиятининг ривожи мавзуи»да мусоҳаба ўтказилди.**

**• Аму-Қоракўл каналида бошланган Қоракўл ва Олот туманини М-37 халқаро автотрассага улайдиган янги кўприк қурилиши Мустақиллик куни байрамигача қуриб битказилади.**

**• Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг навбатдаги битирувчиларига тантанали диплом топшириш маросими ўтказилди.**

**• Республика Халқ таълими вазирлигида 2004-2005 ўқув йили якунига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.**

**• «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан Тошкент шаҳар «Махсустранс» бошқармаси жамоаси аъзолари иштирокида «Саноат ва маиший чиқиндилар ҳамда аҳоли саломатлиги» мавзусида учрашув ўтказди.**

**• Жиззах шаҳри марказида тадбиркор Нодира Икромова саъй-ҳаракатлари билан «Жаҳон» деб номланган янги савдо уйи қад кўтарди.**

### Жаҳонда

**• Кеча Эдинбург яқинидаги «Глейниглес» меҳмонхонасида «Катта саккизлик» давлатларининг икки кунлик саммити иш бошлади. Саммитнинг дастлабки кунида иштирокчи давлатлар етакчилари халқаро терроризмга қарши кураш йўллари борасида фикр алмашдилар.**

**• Альбанияда бўлиб ўтган парламент сайловларида мухолифатдаги демократик партия ғалаба қозонди.**

**• Сантьяго Кассацион суди Чилининг собиқ раҳбари диктатори Аугусто Пиночетнинг дахлсизлик ҳуқуқини бекор қилди.**

**• Жазирама иссиқ ҳарорат Францияда ўрмон ёнғинларининг авж олишига сабаб бўлмоқда. Шу кунга қадар 1000 гектарга яқин ўрмонзорлар ёнғин натижасида куйиб кул бўлди.**

**• Хитойнинг бўйи 2 метр 36,1 сантиметрни ташкил қилувчи 54 ёшли фуқароси Си Шун дунёдаги энг дароз одам сифатида «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритилди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар "Маънавият ва маърифат" Кенгашининг жорий йилнинг олти ойи мобайнида амалга оширган ишлари ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Юнусобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли Ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти марказида туман мактаблари қошида ташкил этилган оромгоҳларда дам олаётган тарбияланувчи истеъдодли ёшлар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов "Ўйинчоқлар мамлакатида" деб номланди.

● **КЕЧА** Халқаро бизнес марказида тадбиркорлик соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича ташкил этилган комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Миробод туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида 1 июлдан бери маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ташкил этилган ўқув семинари ниҳоясига етди.

● **ШАҲРИМИЗДА** "Алп Жамол" банкининг чакана савдо маркази ЎТГАН кундан фаолият бошлади.

● **ЎТГАН** куни Сергели туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Маҳалла" жамғармаси, "Оила" марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида аёлларнинг лобарлиги, зукколиги, донолиги, ишбилармонлиги ҳамда тадбиркорлик хислатларини синовдан ўтказиш мақсадида ўтказилган кўрик-танловда Ал-Фарғоний, Жомий, Шукур Бурхонов, "Дўстлик", "Оқибат" маҳаллаларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Фурқат маҳалласида кўчма оммавий спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** 263-мактабда "Камолот" ЁИҲ Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган кўчма оммавий спорт ўйинларида "Олмазор", "Мустақиллик" маҳаллалари ёшлари ўзаро беллашди.

● **БУГУН** Сергели туманидаги 301-мактабда "Гулистон", Бобур маҳаллалари ёшлари иштирокида "Камолот" ЁИҲ ташаббуси билан арқон тортиш, тўп билан югуриш эстафетаси, "Қувноқ стартлар" мусобақалари ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР*

# ЭРКИН ИШБИЛАРМОНЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

**Мустақиллигимиз шарофати билан бозор иқтисодиёти шаклланаётган ҳозирги тараққиёт босқичида кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектларини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилиб, бу соҳадаги вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда матбуотда кетма-кет эълон қилинган Қарор ва Фармонлари бунинг ёрқин далили ҳисобланади. Улар ҳақда ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни "Gerbafarm" хусусий корхонаси бош директори Собир ИСКАНДАРОВдан сўрадик:**

— Истиқлол йилларида юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг Фармон ва Қарорлари мазмун-моҳиятини тўғри тушунган, уларни ўз фаолиятларида аниқ татбиқ этишни кўзлаётган тадбиркорларнинг қувончи чексиз. Эътиборли томони, юртимизда бош ислоҳотчи давлатимиз бўлганлиги боис ҳам, тадбиркорлик ривожланмоқда. Сермашаққат меҳнати туфайли ҳам, элимни бой қилай деган тадбиркорларнинг иш самарадорлиги ошиб, сафлари кенгаяётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, тадбиркорликнинг ўзи бўлмайди, асл тадбиркор кечаю-кундуз — керак бўлса 1 суткада 24 соат тиним билмайди, унда бўш вақтнинг ўзи бўлмайди. Тадбиркорларнинг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши нафақат ўзларига, балки барчага фойдали, чунки уларга берилган имтиёз ҳамда кафолат халқ фаровонлиги даражасининг ортишига, қўшимча ишчи ўринлари яратилишига мустаҳкам замин бўлади.

Юртбошимизнинг биргина "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини оладиган бўлсак, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймасликни кафолатлайди. Яна бир муҳим аҳамиятли томонини айтадиган бўлсак, ҳакамлар судининг ташкил этилиши ҳукуматнинг хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларига аралашувини кескин камайтиради.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш, уни сунъий касодга учратиш, беҳудага жазоланиши, молиявий жаримага тортилишидан халос этиш давр талаби эди. Шу боис ҳам Президентимизнинг 24 июндаги "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги Фармонини катта мамнуният билан кутиб олди. Унда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида, шунингдек жавобгарликни қўллашнинг халқаро умумҳуқуқий принципларидан келиб чиққан ҳолда "Тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан, фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади", дейилганлиги юртимизда қонун кафолати борлигидан далолатдир.

Фармонлардан текширишлар мутлақо тақиқлаб қўйилади, деган фикр келиб чиқмаслиги керак, албатта. Бироқ ҳаммаси қонун доирасида амалга оширилса нима етсин! Шундай соғлом муҳит, шундай эркин тадбиркорлик бизни кўзлаган ойдин манзилларимизга олиб боришига тўла ишонаман!





*2005 — Сиҳат-саломатлик йили*

# ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

**Бугунги кун ёшларига ҳавас қилса арзийди. Чунки давлатимиз томонидан уларнинг ҳар томонлама соғлом ва тетик бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Замонавий ва жаҳон андозалари талаблари даражасидаги ўқув юртлари, соғломлик гарови бўлган спорт мажмуаларининг кўплаб бунёд этилаётгани шулар жумласидандир.**

Яқинда Шайхонтоҳур туманидаги шинам "Гулзор" гузарига таклиф этилган 500 нафардан ортиқ ёшлар мана шундай ғамхўрликка яна бир бора гувоҳ бўлдилар. "Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди" мавзусидаги маънавий-маданий тадбирни уюштирган "Камолот" ЁИҲ шаҳар ва туман бўлимлари, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари, Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси каби қатор ташкилотлар чиройли байрам дастурхони атрофида ёшлар, маҳалла посбонлари, "Маҳалла умидлари" маркази фаоллари каби гуруҳлар ўртасида турли номинациялар бўйича танловлар ўтказдилар. Ўз иқтидори ва маҳоратини кўрсата олган иштирокчилар совға-саломлар билан тақдирланди.




— "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурининг амалдаги ижроси йўлида ўтказилаётган ушбу тадбирдан хайрли мақсадлар кўзланган, — дейди шаҳар "Маҳалла" жамғармаси бош мутахассиси Хайдарали Қорaболаев. — Асосийси, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, "Саломатлик — туман бойлик" эканини улар онгига етказишдан иборатдир.

Тадбирда сўз олган меҳмонлар ҳам ёшларга ҳаётнинг пасту баланди борлиги, бу йўлда адашмаслик, мустақил юртимизга муносиб фарзанд бўлиш, тинчликдек улуғ неъматнинг қадрига етиб, азиз Ватанимизни кўз қорачиғидек сақлаш лозимлиги ҳақидаги фикрларни айтиб ўтдилар.

**Азиза МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: "Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди" тадбиридан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Ҳамкорлик*

# ХИЗМАТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

**Ўтган йилда шаҳримизнинг "BUMI INTERNATIONAL" меҳмонхонасида "Ўзбектелеком" ҳамда Исроилнинг "SOLAN INRETNATIONAL COMMUNICATIONS SERVICES" компаниялари томонидан таъсис этилган янги "UZBEK TAKSOFONI" қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтган эди.**

Ўтган қисқа давр ичида қўшма корхона Тошкент шаҳрида 200 га яқин янги замонавий карточкали универсал таксофонларни ўрнатиш ишларини якунлади ва улар орқали шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига юқори сифатли алоқа хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Қўшма корхона, албатта эришилган ютуқларда тўхтагани йўқ. 2004 йилнинг апрель ойида корхона томонидан шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда 40 фоизли чегирмалардан фойдаланиб телефон қўнғироқларини амалга ошириш имконини берувчи янги VIP-хизмати жорий қилинди.

"UZBEK TAKSOFONI" қўшма корхонасининг ушбу VIP-хизмати телекоммуникация бозоридаги ўзга рақобатчи корхоналардан фарқли равишда абонентларга ўзларининг телефон аппаратлари орқали қўшимча пин-кодларни киритмаган ҳолда юқори сифатли телефон алоқасидан фойдаланиш имкониятларини беради. Ҳозирги кунда корхонанинг мазкур хизматидан фойдаланувчи абонентларнинг сони 200 тадан ошиб кетди.

Жорий йилда эса корхона яна бир янги "овозли почта" хизматини кўрсата бошлади. Ушбу хизмат тури шахсий телефон аппаратларига эга бўлмаган шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига жуда қулай бўлиб корхонанинг карточкаси ва телекоммуникация тизими ёрдамида шахсий овозли почта қутисини очиш ҳамда почта қутисига исталган шахслар томонидан қолдирилган овозли ахборотларни қабул қилиш имконини беради.

Шуниси эътиборлики, "UZBEK TAKSOFONI" қўшма корхонасининг карточкаларини харид қилиш йўли билан юқорида зикр этилган барча хизмат турларидан универсал равишда фойдаланиш мумкин. Яқин келажакда корхона ушбу карточкалар орқали Интернет хизматларини кўрсатишни бошлайди.

**Орзугул РУСТАМОВА**




*Қадимги кулги дарғалари*

## УБАЙД ЗОКОНИЙ

**XIV асрнинг сермаҳсул ҳажв ижодкорларидан бўлмиш Убайд Зоконий вазир оиласида туғилганига қарамай шоҳона ҳаётдан юз ўгириб, умри дарбадарликда ўтади. У Шероз ва Боғдод ўртасида кезиб юриб, гоҳо Кирмонга бориб туришига ҳам тўғри келади. Натижада, ҳукмронлар ва адабий маддоҳлар унга "Шероз ялангоёғи", "Боғдод гадоси" каби лақабларни тўқишади. Сабаби, Убайдулланинг гап эгасини топади қабилидаги асарлари 1328-1341 йилларда омма орасида кенг тарқалиб, шов-шувлар қўзғатганди. Айниқса, унинг "Зодагонлар ахлоқи", "Юз насиҳат", "Ўн фасл", "Кўнгил очар рисолалар", "Соқолнома", "Ушшоқнома", "Мушук ва сичқон қисмати", "Нодир масаллар", "Фолнома" каби ҳажвий ва дидактик китоблари ҳанузгача қўлдан қўлга ўтиб, ўқиб келинмоқда...**

**Убайд Зоконий 1270 йилда Эроннинг Қазвин вилоятидаги Зокон қишлоғида мамлакат вазири оиласида дунёга келади. У ёшлигида отаси ёрдамида жуда кўп адабиётларни ўқиб, қизиқарли асарлар ижод этади. Халқ оғзаки ижоди намуналари билан қизиқади. Убайд юз йил умр кўриб, 1370 йили оламдан ўтади.**

**Бугун сиз унинг "Рисолайи дилкушо", яъни "Кўнгил очар рисолалар" китобидан айрим намуналарни ўқийсиз.**

### ҚУДУҚДАГИ БОЛА

Ўта содда бир кишининг ўғли қудуққа тушиб кетибди. Шунда у қудуққа энгашиб, баланд овозда дебди:

— Ўғлим, ҳеч қаёққа кетиб қолма, арқон олиб келиб, ўзим сени тортиб оламан, кетсанг, тополмай қоламан-а!

Шунда қудуқдаги бола жавоб қилибди:

— Отажон тезроқ бўлинг, қудуқ ичидан ҳеч қаёққа борадиган йўл йўқ, бўлганида арқонсиз ўзим уйга борардим!

### ҚЎЙ ЎҒРИСИ

Бир киши доим одамларнинг қўйларини ўғирлаб сўйиб, худойи қиларди. Бу сирдан воқиф бўлганлар "нега бундай қиласан?" дея ўғридан сўрашибди.

— Биродарлар, ўғрилик қилганлигим гуноҳини худойи қилиб юваман, бир парча ҳам гўшт олиб қолмайман. Фақат. қўйнинг калла-пўши менга қолади, холос, — деб жавоб берибди.

### КЎЗ ОҒРИҚҚА ДАВО

Қалин дўстини кўчада учратган бир одам унга мурожаат қилибди:

— Кўз оғриғи азоб беряпти, нима қилсам тузаларкин?

Ўшанда дўсти қуйидаги маслаҳатни берибди:

— Бултур тишим оғриганида суғуртириб ташлаб, азобдан қутулгандим, сен ҳам шундай қилиб кўр, ошна!

### ОТНИНГ АРПАСИ

Хуросонлик бир одамнинг миниб юрган оти жуда ориқлаб кетган экан.

— Нега отингга арпа бериб боқмайсан? — дейишибди танишлари.

— Арпа берганман, бир кечада ўн килони кўрдим демай ейди.

— Нега унда жуда озғин?

— Ориқлиги, отимдан бир-икки ойлик арпа қарздорман-да, биродарлар!

### ЮҚОРИГА ЙИҚИЛИШ

Мезбон таниши учун учун пастки хоналардан бирига ўрин солиб берган экан. Ярим кечада болахонадан меҳмоннинг қаҳ-қаҳа кулгиси эшитилибди.

— Шу маҳалда болахонада нима қиляпсан, ўзи? — сўрабди мезбон.

— Тушимда болахонага йиқилиб кетганмишман! — жавоб берибди меҳмон.

— Қизиқ, одамлар тепадан пастга йиқилса, сен пастдан тепага йиқилибсан-да!?

— Ўзим ҳам шунга куляпманда! — дебди меҳмон.

### ҚИСИРЛОВЧИ ТЎСИНЛАР

Камбағалроқ бир киши арзонгаровга уй сотиб олган экан, кечаси билан тўсинлари қисирлаб, безовта қилибди. Эрта билан у уй эгасига дебди:

— Уйингизни тузатдириб бермасангиз бўлмайди, кечаси билан тўсинлари қисирлаб, безовта қилди.

— Ҳеч безовта бўлманг, — дея тасалли берибди уй эгаси. — Тўсинлар кечаси билан Худога зикр қилаётгандир!

— Худога зикр қилгани яхши-я, — дебди камбағал башараси тиришиб, — аммо, тўсинлар саждага бош қўяман деб, ерга қуламаса гўргайди!

**Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ**
**тайёрлади**

## МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Кунларнинг бирида таниқли ёзувчи ва оташин журналист Эгон Эрвин Кишдан синчков касбдоши сўраб қолди.

— Айтингчи, сафдош америкалик сиёсий шарҳловчилар ҳақида нималар биласиз?

— Улар икки тоифага бўлинадилар, — жавоб қайтарди ўткир тиғли қалам соҳиби, бири билганидан кўпроқ ёзадиганлар, иккинчиси ёзганидан кўпроқ биладиганлар.

* * *

Таниқли мўйқалам соҳиби ва ҳажвчи Вильгельм Бушнинг эшиги бир кун қаттиқ тақиллаб қолди.

— Тинчликми, жаноб жандарм?

— Деразаларни безатмабсиз, ахир бугун кўчамиздан қирол ҳазратлари ўтадиларку?

Табиатан хушчақчақ ва шўх сўз заргари портсигаридан олти дона сигарета чиқараркан, ҳовлиқма «меҳмон»ни сийлади.

— Огоҳ қилганингиз учун раҳмат, сэр. Ҳозир барча дарпардаларни тушириб қўяман.

* * *

Матбуот куни нишонланаётган анжуманда инглиз драматурги Бернард Шоу хаёл денгизига ғарқ бўлиб ўтирарди. Буни кузатиб турган йирик молия назоратчиси алломага беписанд оғиз жуфтлади.

— Жаноб Шоу, айни пайтда нима ҳақда ўйлаётганингизни айтсангиз, сизга бир доллар ҳадя этган бўлардим.

— Хаёлларим бир чақага ҳам арзимайди муҳтарам зот, —ҳозиржавоблик билан узиб олди моҳир драматург. — Айни пайтда мен сиз ҳақингизда ўйлаб тургандим.

* * *

— Кечирасиз, бу ерга бекор ўтирибсиз...

— Ота-онангнинг маҳрига тушганманми, бу ер?

— Йўқ, мен бу ерни...

— Хўш, сотволганмисан? Хоҳлайсанми, мен сени болачақанг билан қўшиб сотиб оламан.

— Ўзингизни босинг, бойвачча, мен сизга бу ўтирғични ҳозиргина бўяб қўйганимни айтмоқчи эдим, холос.

## ОҚ ЧОЙ

### Ҳангома

Бизнинг Ҳаққулободда кўк чойни оқ чой дейишади, Ҳаққулободдагина эмас, водийнинг кўп шаҳар қишлоқларида шундай. Тошкентда қариндошлар кўп. Болаликдан ўша қариндошларнинг тўй-маъракаларига кўп қатнашганмиз, лекин бўй чўзилиб ақлни таниганидан кейин бу биринчиси эди-да.

Хуллас Тошкенти азимга пешиндан кейин етиб келдик. Тоғам катта ўғлини уйлантираяпти. Қуюқ салом-алик, кўришиш-сўрашишлардан кейин табиатан қўполроқ тоғам.

— Жиян, сенга йигирма дақиқа муҳлат, тез қорнингни тўйғазгинда, анови карнайчи-ю сурнайчиларни дастурхони, чой-пойидан хабардор бўлиб тургин. Шуларнинг хизматини қилишни сенга юкладим. Санъаткорнинг таъби нозик бўлади, хафа қилиб қўймагин тағин, икки соатдан кейин тўйни қиздирадиганлар шулар, — деб қолди.

— Хўп бўлади, — дедим шошиб мен, — чойни ўшалар билан ҳам ичавераман.

— Э, мана бу бошқа гап, ҳов товонхонадагилар (омбордагилар дегани), мана шу йигит нима сўраса ҳаммасини йўқ демай муҳайё қилинглар.

Дарҳол бориб карнайчи-сурнайчилар билан қуюқ сўрашдим. Омборхонага, э узр, товонхонага келиб битта патнисда мева-чева, битта патнисда писта-бодом, майиз, мағиз, ёнғоқлар, яна бир патнисда ҳар хил пишириқларни олиб келдим.

Патирларни синдириб қани олинглар дедиму ўзим узоқ йўл юриб келмаганманми, сомса, қовурилган чучваралардан олиб оғзимни тўлдириб кавшай бошладим. Нимагадир уларнинг иккитаси дастурхондаги ноз-неъматлардан тотиниб ҳам кўришмади.

— Олинглар. — дедим лунжимни тўлдириб.

— Раҳмат, — деди улардан бири.

Мен ҳайрон бўлдим, нега ҳеч нарса ейишмаяпти, ҳозир рўза ойи эмас-ку. Э-эй галварс, чой олиб келмабман-ку, айтдима нимадир етишмаяпти деб.

— Э, узр, ҳозир акалар, мен чой олиб келмабманку?

— Чойнинг жа унчалик кераги йўқ, — деди бақалоқ одам, афтидан карнайчи шу бўлса керак.

— Ие қизиқмисиз, ака, усиз овқат ўтадими? Ўзим ҳам тиқилиб қолай деяпман. Қанақа чой обкелай?

— Энди укам, — деб гап бошлади озғини, афтидан сурнайчи-ёв. — Ўзи чойга унчалик ҳуши йўқ бу акангизни, агар раз обкелмоқчи бўлсангиз оқ чой олиб кела қолинг, чойнакка солиб.

— Чойнакка, — дедим ҳайрон бўлиб. Озғин киши бош ирғаб кулиб қўйди.

Чойни чойнакда олиб келади-да, — дедим ичимда ва дарҳол туриб кетдим.

Самоварчининг олдига бориб 2 та чойнакка аччиқ қилиб, оқ чойдан дамладимда ғизиллаб уларни дастурхонига олиб бордим.

— Э, ўлманг йигит, битта чойнак десак иккита қилиб келибсиз, — деди бақалоқ хурсанд бўлиб.

— Секин қуйиб узатворинг акангизга, тўйнинг эгалари хафа бўлишмасин тағин, — деди ориғи. Ҳайрон бўлдим, чойни қайтариб ҳам ўтирмай пиёлани ярмидан кўпроқ қилиб қуйиб секин узатдим. Бақалоқ пиёлага қараш ўрнига у ёқ бу ёққа олазарак қараб турдида:.

— Соғ бўлинг ука, — деди-ю, шошиб пиёлани олиб кўз очиб юмгунча пиёладаги қайноқ чойни оғзига қуйворди.

— Ака-а-а, — дедим мен.

— А-а-а-у, — деди у кўзидан ёш қуйилиб кела бошлади. Нима бўлганини фаҳмлаган шериклари бақа бўлиб қотиб қолишди.

Хуллас тоғамдан сўкиш эшита-эшита қўшниси Асад ака билан ўша куни тўйга бошқа бир карнайчини топиб келдик.

Мен қаердан билибман бу азим шаҳарда чойнакка қуйиб келтирилганароқни оқ чой дейишларини.

*Хушнудбек*
**МАМАДАЛИЕВ**

## Хандалар

*— Хурсандой, анови йигит ким бўлади?*
*— Ҳа, кассобхонада ишлайди.*
*— Сенда нима иши бор экан?*
*— «Сон» билан «юрак» таклиф этяпти.*
*— «Ўпкаси» йўқ эканми?*

* * *

*— Эрим билан умуман яшаб бўлмайди.*
*— Ундай бўлса, ажраш, қутул.*
*— Ҳо, менинг умримни хазон қилган киши балан ажралиб уни бахтиёр қилар эканманда. Асло.*

* * *

*— Йигирма йил тинч-тотувликда яшаб келаётган экансизлар. Эрингиз ҳақида бир-икки оғиз сўз айтсангиз.*
*— Биласизми, кеча у менга янги пальто олиб берди.*

* * *

*Бир одам автобусда кетаётиб ёнида ўтирган йигитдан сўради.*
*— Бугун телевизорда қизиқроқ кўрсатув борми?*
*— «Эртага, премьера» бор, — деди йигит.*
*Савол берган кишининг ғаши келди.*
*— Мен сендан бугунгисини сўраяпман, эрталикнимас.*

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

*Мутахассис маслаҳати*

# СОҒЛИҒИНГИЗГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

**Ёзнинг иссиқ кунлари бошланиб, ўлкамиздаги пишиқчилик наинки болалар, балки катталарнинг ҳам кўнглига ҳузур бағишлайди. Лекин шу билан бирга ёз мавсуми бошланиши билан ўзига хос яна бир муаммо пайдо бўлади. Яъни кўпинча гигиена қоидаларига тўлиқ амал қилмаслик оқибатида одамлар орасида турли хасталиклар — аҳамиятлиси юқумли касалликлар пайдо бўлиши кўпроқ кузатилиши ҳеч кимга сир эмас.**

Бунинг сабаблари аввало иссиқ ҳароратда ташқи муҳитда турли касалликлар қўзғатувчи микробларнинг кўпайишига қулай шароит бўлса, уларни тарқатишга сабаб бўлувчи турли ҳашаротлар, хусусан пашша кўпаяди. Яна бир омил — болалар очиқ сув ҳавзаларида (баъзан ифлосланган бўлсада) чўмилишлари ҳам сабаб бўлади.

Бирдан ҳолсизланиш, ич кетиши, кўнгил айниши, қусиш каби аломатлар ёз ойларида кўпчиликда учрайди. Баъзан бу ҳолат ўтиб кетса, айрим ҳолларда оғир оқибатлар кузатилади. Бунда аҳоли кўпинча селитрали полиз маҳсулот истеъмол қилганларини сабаб деб ҳисоблашади. Тўғри, бундан 15-20 йиллар бурун қишлоқ хўжалигида аммиакли селитра ўғити полизчилар томонидан далаларга белгиланган меъёрдан ортиқ миқдорда қўлланиларди. Давлат санитария назорати лабораторияси таҳлилларида ўша даврларда полиз маҳсулотларидаги селитра миқдори меъёридан ортиқ миқдорда қайд этиларди. Лекин ҳозирги пайтда селитра ўғитининг назорати кучайгани ва унинг қаровсиз қолдирилишига йўл қўйилмасдан қаттиқ назоратга олингани натижасида полиз маҳсулотлари етиштирувчиларга аксарият ҳолларда бу минерал ўғитдан фойдаланиш самарасиз бўлиб қолди. Шу билан бирга бизни лаборатория назоратларимизда аввалги натижалар қайд этилмасдан ҳатто селитра миқдори белгиланган меъёрдан икки бараваргача кам миқдорда эканлиги кузатилмоқда. Хўш, унда нега баъзан полиз маҳсулоти истеъмол қилганларда ичи бузилиб хасталаниш ҳолатлари учрайди? — деган савол туғилиши табиий, албатта. Бевосита бизнинг олиб бораётган лаборатория таҳлилларимиз полиз маҳсулотларида селитра моддасини белгиланган меъёрдан анча пастлигини кўрсатгани боис бу масалани чуқурроқ ўрганишга тўғри келди. Ўрганишларнинг кўрсатишича, айнан полиз маҳсулоти истеъмол қилиб хасталанганлар аммиак селитраси таъсирида эмас, балки оддий овқатланиш гигиенаси қоидаларига риоя этмасликлари натижаси эканлиги кузатилмоқда. Масалан, аввало полиз маҳсулоти — тарвуз ёки қовунни куннинг иссиқ вақтида оч қоринга истеъмол этилиши, баъзан уларни истеъмол қилгандан сўнг устидан совуқ сув ичилиши, уларни сўйишдан олдин устининг тозалаб ювилмаслиги, пичоқни тозалигига эътибор берилмаслиги, кесилган полиз маҳсулотини ноўғри ва узоқ муддат сақланиши каби омиллар шундай оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари сотиб олинаётган полиз маҳсулотининг устки қисми, бутун бўлишига ҳам аҳамият қаратиш ёмон оқибатларнинг олдини олишда жуда аҳамиятлидир.

Танангиз соғ бўлиши бевосита ўзингизга боғлиқ бўлиб, бунда болаларингизнинг соғлиғини эсдан чиқармасликни эслатиб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман. Кўпинча полиз ва мевалар ўз жозибаси билан болаларимизни ўзига жалб этади. Бунда юқоридагиларга эътиборсиз ҳолда болаларимиз томонидан уларнинг истеъмол этилиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис ҳам аввало полиз маҳсулотларини тоза ва сифатлисини истеъмол этилса, айниқса ҳозирги пайтда улардаги селитра миқдори белгиланган меъёрдан паст эканлигини эътиборга олинса улардан фақатгина ҳузур олиб маза қилиниши кафолатланган.

**А.САРИМСОКОВ,**
**Учтепа туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# “ORGTEXLOYIHAQURILISH” очиқ акциядорлик жамиятининг 2004 йил якунлари бўйича бўлиб ўтган акциядорлар Умумий йиғилишининг муҳим фактлари тўғрисидаги маълумот

## Маълумот тартиб рақами-07

Акциядорлар рўйхатини тузиш санаси тўғрисидаги қарор қабул қилинган сана: 2005 йил 27 апрель.

Акциядорлар реестри тузилган сана: 2005 йил 23 май.

Қарор кузатув кенгаши томонидан 2-сонли баённомасида қабул қилинган.

## Маълумот тартиб рақами-09

1. Йиғилиш тури: йиллик умумий йиғилиш.
2. Ўтказиш шакли: очиқ.
3. Ўтказиш вақти: 2005 йил. 22 июнь, соат 10-00.
4. Манзил: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 178, “ORGTEXLOYIHAQURILISH” ОАЖ катта хонасида.
5. Йиғилиш кворуми: 7377 дона овоз-93 фоиз.

Йиғилиш кун тартибга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш якунлари:

1. 2004 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича “ORGTEXLOYIHAQURILISH” ОАЖ бошқарув органининг ҳисоботи ва 2004 йилда мўлжалланган бизнес-режанинг бажарилишини тасдиқлаш. Рози-5293 (71,75%)та овоз, қарши — 2084 (28,25%), бетараф йўқ. Қарор қилинди: бошқарув органининг ҳисоботи ва 2004 йилда мўлжалланган бизнес-режа бўйича бажарилган ишлар тасдиқлансин.

2. 2004 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича “ORGTEXLOYIHAQURILISH” ОАЖнинг баланс ҳисоботини тасдиқлаш.

Кўрилган фойда ва зарарни тасдиқлаш ва дивиденд тўлашни тасдиқлаш. Рози-5293 (71.75%) та овоз, қарши — 2077 (28,16%), бетараф-7 (0,09%). Қарор қилинди: 2004 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича “ORGTEXLOYIHAQURILISH” ОАЖнинг баланс ҳисоботини ва кўрилган соф фойда 2107,5 минг сўмни ташкил этиши тасдиқлансин. Кўрилган 2107,5 минг сўм соф фойда дивиденд (500 сўмлик номинал нархга эга бўлган акцияга нисбатан 266,77 сўмдан, 53,35%) тариқасида акциядорларга тўлансин.

3. Аудитор хулосасини тасдиқлаш. Рози — 5300 (71,84%) та овоз, қарши — 2077 (28,16%), бетараф-йўқ. Қарор қилинди: Аудиторлик фирмасининг хулосаси тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги УП-3202 Фармонини бажариш:

— Устав фондини қўшимча акция чиқариш йўли билан оширишни тасдиқлаш, янги таҳрирдаги Уставни ва таъсис шартномасини тасдиқлаш, рози — 7370 овоз, қарши-7 овоз, бетараф-йўқ. Қарор қилинди: — Устав фондини қўшимча акция чиқариш йўли билан амалга ошириш тасдиқлансин.

Номинал нархи 500 сўмдан оддий кўринишдаги 110600 дона акция чиқарилсин, қўшимча 110600 дона акция чиқариш билан умумий акциялар сони 118500 донага етказилсин, жамиятнинг Устав фонди 59250000 сўм этиб белгилансин. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш Маркази томонидан рухсат олингандан сўнг 3 ой ичида ҳар бир акциядорнинг қўшган улушига нисбатан акциялар сотиб олиш таклиф этилсин. Янги таҳрирдаги Устав тасдиқлансин.

— Масъулияти чекланган жамият турига ўтиб, фаолият юритишни тасдиқлаш, янги таҳрирдаги Уставни ва таъсис шартномасини тасдиқлаш.

Рози-7 овоз, қарши-7370 овоз, бетараф-йўқ. Қарор қилинди: Масъулияти чекланган жамият турига ўтиб, фаолият юритиш тасдиқланмасин.

— нақд кўринишдаги акцияларни нақдсиз кўринишдаги акцияларга алмаштириш масаласини кўриб чиқиш. Рози-5300 овоз, қарши-2077 овоз, бетараф-йўқ. Қарор қилинди: нақд кўринишдаги акцияларни нақдсиз кўринишдаги акцияларга алмаштириш тасдиқлансин.

5. 2005 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш. Рози-5300 (71,84%) та овоз, қарши — 2077 (28,16%), бетараф-йўқ. Қарор қилинди: 2005 йил учун бизнес режа тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг директори билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини тўхтатиш ёки узайтиришни тасдиқлаш. Рози-5293 (71,75%) та овоз, қарши — 2077 (28,16%) бетараф- 7(0,09%). Қарор қилинди: жамиятнинг директори этиб А.Б.Ортиқов номзоди тасдиқлансин ва бир йил муддатда ишлаш учун меҳнат шартномаси тузилсин.

7. Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодларни сайлаш.

1. Н.Р.Гультураев, рози-5300 (71,84%) та овоз, қарши-2077 (28,16%), бетараф-йўқ. 2. Т.Г.Белова, рози-5300 (71,84%) та овоз, қарши-2077 (28,16%), бетараф-йўқ. 3. Б.К.Ибрагимов, рози-5300 (71,84%) та овоз, қарши-2077 (28,16%), бетараф-йўқ. Қарор қилинди “ORGTEXLOYIHAQURILISH” ОАЖнинг 3 кишидан иборат Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тасдиқлансин.

8. Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларни сайлаш. 1. М.М.Мирхусанов, рози-7377 (100%) та овоз, қарши-йўқ, бетараф-йўқ. 2. Х.Б.Юсуббаева, рози-7377 (100%) та овоз, қарши-йўқ, бетараф-йўқ. 3. Т.Т.Расулова, рози-7377 (100%) та овоз, қарши-йўқ, бетараф-йўқ. Қарор қилинди: “ORGTEXLOYIHAQURILISH” ОАЖнинг 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тасдиқлансин.

9. Бошқарув орган аъзолигига номзодларни сайлаш. Рози-5293 (71,75%) та овоз, қарши -2077 (28,16%), бетараф-7 (0,09%). Қарор қилинди:

“ORGTEXLOYIHAQURILISH” ОАЖнинг 1 кишидан иборат Бошқарув органи аъзолигига номзод тасдиқлансин: 1. А.Б.Ортиқов.

10. Жамиятнинг ички низомларини тасдиқлаш:

— Тафтиш комиссияси тўғрисида. Рози-7377 (100%) та овоз, қарши-йўқ, бетараф-йўқ.

— Жамиятни Бошқарув органи тўғрисида, рози-7377 (100%)та овоз, қарши-йўқ, бетараф-йўқ.

— Кузатув Кенгаши тўғрисида, рози-7377 (100%) та овоз, қарши-йўқ, бетараф-йўқ. Қарор қилинди: Жамиятнинг ички низомлари тасдиқлансин.

11. Кузатув Кенгаш аъзоларига тўланадиган мукофот пулларини тасдиқлаш. Рози-5300 (71,84%) та овоз, қарши-2077 (28,16%), бетараф-йўқ. Қарор қилинди:

“ORGTEXLOYIHAQURILISH” ОАЖнинг Кузатув Кенгаш аъзоларига тўланадиган мукофот пулларини тўлаш масаласи қайта кўрилсин.

12. 2005 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш рози-7370 (99,91%) та овоз, қарши — йўқ, бетараф-7 (0,09%). Қарор қилинди: 2005 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича “ORGTEXLOYIHAQURILISH” ОАЖ аудитор этиб “AUDIT KAFIL” МЧЖ тайинлансин.

## Маълумот тартиб рақами-10

Эмитентнинг Бошқарув органида ўзгаришлар бўлган: директор С.О.Мўминов меҳнат шартномасини муддатдан илгари 2005 йилнинг 19 май куни бекор қилганлиги сабабли директорлик лавозимига Азаматхўжа Боситович Ортиқов тайинланди-улуши йўқ. Тафтиш комиссияси янги тартибда сайланди 1. М.М.Мирхусанов-4 дона. 2. Х.Б. Юсуббаева — 1501 дона, 3. Т.Т.Расулова-347 дона. Кузатув Кенгаши қайтадан сайланди. 1. Н.Р. Гультураев-улуши йўқ. 2. Т.Г.Белова-улуши йўқ, 3. Б.К.Ибрагимов-8 дона, 2005 йилнинг 22 июнидан. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори 22.06.2005 йил.

## Маълумот тартиб рақами-05

Қимматбаҳо қоғоз тури-акция
Дивиденд тўлаш бўйича қарор қабул қилинган сана — 2005 йил 22 июнь
Қарор қабул қилган орган акциядорларнинг умумий йиғилиши.
Дивиденд миқдори 1 дона акцияга — 266,77 сўм.
Акциялар миқдори — 7900 дона.
Дивиденд тўлаш тартиби пул кўчиришида.
Дивиденд тўлаш муддати — 60 кун.

**Кузатув Кенгаши.**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

• Ҳикоят: Бир табиб бир кишининг олдига борган эди. Унинг икки хил овқатни бир вақтнинг ўзида еб ўтирганини кўрди. Унга:

— Икки овқатни аралаштириб ема, улар қорнингда келишолмай жанг пайдо қилади! — деди.

У эса доно табибнинг сўзларига қулоқ солмай, ейишда давом этди. Бироқ эртасига у касал бўлиб, оз фурсатда ҳолдан тойди. Ноиложликдан бир кун аввал насиҳатига қулоқ солмаган табибга одам юборишга мажбур бўлди. Табиб келиб унга:

— Айтмаганмидим, бу икки овқатни ема, улар келишолмайди деб, — дея унга таъна қилди.

У деди:

— Йўқ, сенинг гапинг бироз нотўғри, улар келишиб олишди, мени оёқдан қулатиш мақсадида иш олиб боришмоқда, деб алам билан жавоб берди.

• Ошиқдан сўрадилар:

— Дунёда ошиқ учун энг оғир уқубат нима?

У жавоб берди:

— Узоқ муддатли умиддан кейинги ноумидлик!

• Ақлли одамнинг ўзини мақташидан кўра ёмонроқ айби йўқ. Агар унинг сўзлари рост бўлса мақтанган бўлади, бордию бунинг акси бўлиб ёлғон бўлса, барчанинг олдида қадри кетади.

• Билгинки, нодонлик ўргатилмаган ҳайвонга ўхшайди. Кимки унга билиб-билмай минса у албатта хор қилади. Кимки унга яқинлашса тўғри йўлдан оздиради.

• Ҳамма вақт ҳам ишга киришиш ўйланиб ўтиргандан яхши. Ғафлатда қолиш эса кучли душмандан ҳам баттарроқдир!

• Мард билан улфат бўлган мардликка етади, номардга яқин юрган киши ғамдан чиқмайди.

Мард одамнинг ваъдаси ҳам нақд, ҳам тез бўлади.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ТОМОШАБИН РАНЖИМАСИН

Концертга нима учун борамиз? Маданий дам олиб ҳордиқ чиқариш учун, албатта. Ўзинг ёқтирган санъаткорларнинг қўшиқларини тинглаш, улар билан узоқ саҳнада бўлса-да учрашиш барибир кишига завқ бағишлайди. Лекин орзулаб кутган концертга борсангу ўша ўзинг севган, қолаверса концерт дастурида исми-шарифи катта қилиб ёзиб қўйилган санъаткор қайсидир сабабларга кўра қатнашмасачи? Бунисидан ёмони йўқ.

Яқинда шаҳримизнинг марказий кўчаларида каттагина афиша пайдо бўлди. Унда 5 июль куни Халқлар Дўстлиги саройида катта концерт бўлиши ва унда бир қатор эл севган хонандаларнинг қатнашиши белгилаб қўйилганди. Номлари кўрсатилган артистлар орасида бизнинг севимли хонандамиз ва кулгу устасининг борлигини кўриб концертни томоша қилишга аҳд қилдик. Олдиндан чипта харид қилиб белгиланган куни концертга бордик.

Соат миллари 19.00 га яқинлашгани сари кўзимиз саҳнада, парда очилишини интизорлик билан кутамиз. Кўп ўтмай саҳнага қаратилган турли рангли чироқлар ёниб томошабинлар кўз ўнгида ажиб бир манзара кашф этди. Парда очилиб дастурни олиб борувчи Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев саҳнага чиқиб келди. Унинг ёнида севимли актрисамиз Гулчеҳра Саъдуллаеванинг йўқлигини кўриб (сабаби дастурда бошловчилар сифатида шу ҳар иккала санъаткорнинг номлари кўрсатилган эди-да) ҳайрон бўлдик. Кейин билсак Гулчеҳрахон маълум сабаб билан концертга келмай қолган экан. Буниси майли иссиқ жон, ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин, дедик. Концерт бошланганда дастурда номлари кўрсатилган санъаткорлар бирин-кетин саҳнага чиқишди. Лекин улар орасида кулгу устаси Валижон Шамшиев ва эстрада хонандаси Самандар Ҳамроқуловлар кўринмасди. Концерт ниҳоясигача балки улар ҳам бирор сабаб билан кечикиб қолган бўлса, келиб қолар, деган умид билан кутдик. Афсуски, улардан дарак бўлмади. Нега шундай? Ёки бу ҳам концертга кўпроқ томошабинларни жалб этиш учун қилинган кўзбўямачиликнинг бир турими? Энди биз худди мана шу саволлар билан сарой мутасаддиларига ва концерт ташкилотчиларига мурожаат қилмоқчимиз. Бу биргина бизнинг эмас, балки ўша концертга келган юзлаб томошабинларнинг ҳақли саволларига улар жавоб беришар.

## АНДИШАНИНГ ЧЕГАРАСИ БОР

Ёз ойи пишиқчилик, тўй-туркун пайти. Биз ҳам тўй баҳона Қорақамишдаги уйлардан бирида бўлдик. Мана шунақа катта йиғинларнинг яхши томони шундаки, узоқ-яқинлар билан учрашасан, йиллаб кўрмаган одамларинг билан мириқиб суҳбатлашасан.

— Ҳали тўй тантанасининг бошланишига уч-тўрт соат вақт бор. Унгача бизнинг хонадонга чиқиб бир пиёла чой ичамиз, — деб қўярдақўймай уйига судраб қолди узоқ қариндошларимиздан бири Ибодулла.

Кўнмай иложимиз қолмади. Тўйхона билан Ибодуллаларнинг уйи ораси яқин экан. Иккита тўққиз қаватли уйларни оралаб ўтиб сал нарида жойлашган беш қаватли уйнинг биринчи йўлагига кирдик. Йўлак яқин орада дид билан таъмирланганлиги кўриниб турибди. Кираверишга темир дарвоза ўрнатилган. Йўлак ромлари, ойналари янгиланган. Лекин шундай шинам йўлакдаги ифлосликлар, қоғоз парчалари, папирос қолдиқлари, писта пўчоқлари унинг ҳуснини бузиб турибди. Зиналардан юқорига кўтарилганимиз сари турли нохуш кўринишларга кўзимиз тез-тез туша бошлади.

— Йўлакни чиройли таъмирдан чиқарибсизлар, — дейман сукут сақлаб бораётган Ибодуллани гапга солиш учун. — Қўшнилар аҳил бўлсаларингиз керакда.

— Эй, йўқ, йўлакни биз таъмирламадик, таъмирлаб беришди.

— Барака топишсин, ҳар қалай боплашибди, лекин унинг бироз тартибсизлиги ҳуснини бузиб турибди.

— Нимасини айтасан. Шу йўлакда ўнта оила яшайди. Бу хонадонларнинг кўпчилигида ёшгина аёллар туришади. Улар фақат уйларини ораста сақлашади-ю, йўлак билан ишлари йўқ. Бир неча бор уйдагиларга айтиб шу йўлакни бошдан-оёқ супуртириб, тозалатиб қўйдим. Ҳеч ким миннатдор бўлмади. Бор-эй, бизга нима дедиму қарамай қўйдик.

— Ахир эрталаб туриб ҳамма ўз эшигининг тагини супуриб қўйса олам-гулистон. Шунга қанча вақт кетади ахир?

— Аёлим орқали бу гапни ҳам қўни-қўшниларга етказдим. Баъзилар унга замзама қилиб, "Вой қўшни, сизга нима, бизга зарил келибдими, йўлакни тозалаш. Керак бўлса, ўзлари тозалаб беришсин» қабилида гап қилишибди.

Шундан бери ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Ибодулла яшайдиган тўртинчи қаватдаги хонадонга кирдик. Уй ичи тоза, озода. Ҳамма нарса жой-жойида. Кўриб ҳавасинг келади. Лекин бир қадам ташлаб эшик ортига ўтсанг у ерда бутунлай бошқа манзарани кўрасан.

Ё тавба, дейман ўзимча. Кимлардир сен яшайдиган уй йўлагига файз киритиб текинга таъмирлаб берсин, сен эса ҳеч бўлмаса уч-тўрт дақиқали вақтингни ажратиб уни супуриб-сидириб озода сақламасанг. Инсофсизлик шунчалар бўладими? Ўртада андиша деган гапу унинг чегараси ҳам борку ахир?

## ИККИ ХИЛ ҚИЁФАДА

Автобусга болали хотин чиқди. Кўринишидан қайғули бу аёлга ҳурмат юзасидан жой бўшатдик. У мулозаматга эътибор ҳам бермай кўзларидан дув ёш тўкканича тиз чўкди.

— Хайр қилинглар, азизлар. Болам касал. Эрим ўлим тўшагида ётибди. Бир ўзим тўртта гўдагим билан қийналиб қолдим. Баҳоли қудрат садақа қилинглар.

Кейин у чала-чулпа бир сурани ўқиган бўлди. Узундан-узоқ дуо қилди. Раҳм-шафқатли одамлар ғимирлаб ҳамёнларини кавлаб қолишди. Аёл қўлини очиб, бир чеккадан пул йиғишга тушди.

— Вой ўлмасам, — деди бирдан ёнимда ўтирган нуроний онахон, — ахир бу Ҳабибахонку. У бизга ён қўшни эди. Эри билан ажралишгач, ёлғиз боласини онасининг қўлида қолдириб, бегона эркак билан узоқ юртларга кетиб қолган эди. Фарзанд кўр қилгур кейин қоронғуда топишган ошиғидан ҳам айрилиб сўққа боши билан Тошкентга қайтганини, ичкиликка берилиб кетганини эшитган эдик. Вой шарманда, аёл номига иснод тушириб, ўзини ўзи хароб қилиб юрибди-я, қўлидаги бола ҳам уники эмас.

Бу гаплардан бехабар «тиланчи аёл» одамлардан йиққан мўмай пулини чангаллаганича автобусдан тушиб кетди. Шу сабаб яқинда кўз олдимда рўй берган бир воқеани эслаб қолдим.

Машинада Амир Темур кўчаси бўйлаб кетаётган эдик. «Қозоғистон» кинотеатри чорраҳасида қизил чироқ ёниб қолди. Тўхтадим. Олдимдан биз томон келаётган ўрта ёшлардаги букри тиламчи тўхтаб турган машина ҳайдовчиларидан садақа сўраб пул йиғишга тушди. Навбат менга келганида унга 10 сўм узатдим. Шунда бирдан тиламчи ростмана қаддини ростлади. Қўлидаги 10 сўмни жаҳл билан ерга улоқтирди. Қай кўз билан кўрайки, у ҳеч ҳам ногирон эмас экан. Ўзгаларда раҳм-шафқат уйғотиш учун ўзини букри қиёфасига солиб юрган экан.

Ўшанда хаёлимга бир фикр келди. Демак, кўча-кўйда дийдиё ўқиб юрган тиламчиларнинг ҳаммаси ҳам ночор эмас. Баъзи ишёқмасларнинг ўзини турли қиёфага солиб бу иллатга ружу қўйганлари кишини ранжитади, албатта.

## *Мунажжим башорати*

**9 ИЮЛЬ, ШАНБА**

Мунажжим Лина Савинская юлдузлар жойлашишига қараб, сиз билан бизга шахсий ҳаётимизни ўнглаш, ҳали улгурмаганлар ёки турмушлари омадсиз кечганларга оила қуриш, ҳар ишда ва ҳамма нарсада ижодкорларча иш кўришни маслаҳат беради.

Бугунги шанбанинг кўпкишилик байрамлар, спорт беллашувларини ўтказишга жуда қулай бўлиши ҳам айтилган. Шунингдек, театр премьералари, бенефислар, кўргазма ва вернисажлар ҳам муваффақиятли ўтади. Ой сайёрасининг Арслон буржида бўлиши бугунги тадбирларнинг ёрқин ва эсда қоларли тарзда ўтишини таъминлайди. Эсдалик совға-саломлар билан бир-бирини сийлаш кекса-ю ёшларга хурсандчилик келтиради.

Бугун уй-рўзғор ишларига ўралашиб қолмай, сайру саёҳатларга чиқиш, дўконларни айланиш, янги либослар сотиб олиш фойдали. Бугунги кун ўқиш, ақлий фаолият, уйда тартиб ўрнатиш, ўзаро хат ёзишмалари учун ҳам жуда қулай. Аммо кўчмас мулк олди-сотдиси, экин-тикин, ички аъзолар операциялари учун бугунги кун тўғри келмайди.

**БУГУН ЯХШИСИ**

- ҳар қандай ишни бошлаб юбораверинг;
- меъёрдан ошириб юборилмаган ҳолда худбинлик назариясига риоя этиб, кунни иложи борича ўзингиз хоҳлаган тарзда ўтказинг;
- керакли одамларни қидириб топиш, йўқотган буюмларингизни излаш билан шуғулланинг;
- шахсий ҳаётингизни ўнгланг;
- бошқалар ёрдамисиз ўзингиз уддалайдиган ҳар қандай ижодий иш билан машғул бўлинг.

Жамоа ва оила мулки, мерос билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, ота-оналар ва бошқа қариндошлар билан "сан-ман"га боришдан ўзингизни олиб қочинг.

**10 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА**

Мунажжимлардан М. Смирнова бугунги кунни алоқаларни йўлга қўйиш, янги-янги таассуротларга эга бўлиш куни деб таърифлайди. Шунингдек, бугун у рўза тутишни тавсия этмайди – кўнглингиз нимани тусаса – ўшани еяверишингиз мумкин экан. Бугун айниқса ўз қўлингиз билан тайёрлаган таомингиз алоҳида фойдали бўлармиш.

Бугун таом ҳам, таассуротлар ҳам озиқа қаторига киргани учун вақтдан унумли фойдаланиб, бугун бир ойга етадиган куч-қувват ва қувноқлик озиқларини «ғамлаб олинг». Бугун йўлга чиқиш, олис манзилларга йўл олиш яхши. Ҳунармандчилик ва тикиш-бичиш ишларини бошлаб юбориш, янги иш жойларига ўтиш, таъмирлаш ёки қурилиш ишларини бошлаш хайрли бўлади.

Бошқа бир мунажжимнинг гувоҳлик беришича, бугун ҳаётга реал кўз билан қарайдиганлар дунёга келишаркан. Улар ҳаётда жиддий, мустаҳкам ва буюк нарсаларга интиладиган кишилар бўлиб етишарканлар. Улар бу йўлда ўзлари белгилаган режаларни секин-аста, аммо оғишмай ва изчил амалга ошириб боришади. Кўпроқ сукут сақлайдиган бундай кишиларни гапиртириш қийин бўлади.

Ниманидир йўқотиб қўйиш, пичоқнинг ўткир юзасини синдириш, бирон жойни кесиб олиш нохушлик аломатлари ҳисобланади. Мабодо, кун бўйи ит ҳуриши, мусиқа товуши ёки қўшиқ овози сизни таъқиб этса – бу бахт ва омадингиз белгиси.

**11 ИЮЛЬ, ДУШАНБА**

Бугунги кун санами қўрқмас, дадил ва олижаноб Оқ барс бўлиб, шу куни туғилган инсонлар бу каби хусусиятларга эга бўлиш билан бирга, ҳатто ташқи кўринишлари билан ҳам ўша санамни эслатиб туришади. Бундай кишилар ўз бурчларини қатъият билан адо этиб боришади. Адолатсизликларга қарши курашишга доим шай туришади ва энг сўнгги лаҳзаларда уларга мадад ва ёрдам етиб келади ҳамда улар энг фавқулодда ҳолатларда ғалабага эришишади.

Бугун спорт мусобақалари, жанговар санъатлар, югуриш, ҳаракат, совуқ сувда чўмилиш хайрли бўлади. Шунингдек, бугун ҳар ким ўз зиммасига маълумотни олиши, ҳақиқат учун курашиши, ожизларни ҳимоя қилиши ва муҳтожларга ёрдам бериши керак.

Ўткир маъдан буюм, айниқса пичоқни топиб олиш яхшилик аломати бўлади. Тасодифан бирор жойини кесиб олиш ёки игна, тиканга ўхшаш нарсаларнинг санчилиши — барча кераксиз ва ортиқча нарсалардан халос бўлишни билдиради. Ёғоч буюмлар ёки мебелнинг синиши — бу ҳимоядан ажралиш демакдир. Бугун сиз эътибор қилишингиз керак бўлган нарсалардан бири — ҳидлардир. Улар сиз учун ўзига хос индикатор ролини бажаради.

**БУГУНГА МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ:**

— янги иш усулларини ўрганиш, ўз малакангизни ошириш устида қайғуришингиз;

— ўзингизни қизиқтирган масалалар бўйича кўпроқ ахборотлар олишингиз;

— аниқлик ва ҳозиржавобликни талаб қилувчи иш билан машғул бўлиш;

— оғир дамларда дўстларингиз, тенгдошларингиз, ишдаги ўртоқларингизга мурожаат қилишингиз;

— хизмат ва бошқа соҳаларга оид муаммоларни ҳал этишда тезроқ ҳаракат қилишингиз тавсия этилади.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-609. 1 2 3 4 6